

Жазони Ижро Этиш Муассасасидаги Маҳкумларнинг Ҳамда Жазони Ижро Этиш Муассасасидан Озод Этилган Шахсларнинг Криминоген Мотивациянинг Шаклланишини Олдини Олишнинг Ташкилий Чоралари

Л. Б. Амонова

Бухоро вилоят ИИБ ходими

А. Г. Закирова

Юридик фанлар профессори

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ғайриқонуний хулқ-атвори ўрганишга бағишланган ҳар бир тадқиқотнинг пировард мақсадидир. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муаммоларининг доираси ва йуналишини аниқ белгилаш, ушбу тадқиқотларнинг долзарблигини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Назарияда ғайриқонуний хулқ-атвор шаклланишининг бир неча босқичи эътироф этилиб, уларнинг ҳар бирида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга таъсир кўрсатувчи ўзига хос хусусиятга эга вазифалар белгиланган¹.

Криминологик адабиётларда жиноятларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имконият яратувчи омилларни ўрганишга қаратилган фаолиятни ифодалаш учун бир қанча атама, чунончи: «олдини олиш», «огоҳлантириш», «тўхтатиш», «превенция», «профилактика» атамаларидан фойдаланади. Айрим ҳолларда бу тушунчаларни фарқлашнинг² ўзига хос мазмуни очиб берилади, баъзан эса улар айнан бир маънода қўлланилади³.

Ушбу тушунчалар ҳақидаги бахсларнинг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилишга киришмаган ҳолда, шуни қайд этиш лозимки, бирон бир янги ибора ёки категориялардан фойдаланишга киришишдан олдин уларга муаллиф қандай мазмун юклашини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади. Амалий мақсадларда буни тушунчалар ҳақидаги қўшимча баҳс-мунозараларсиз ҳам амалга ошириш мумкин.

Шундай булгач, бизнинг вазифамиз ҳам ахлоқ тузатиш муассасаларидаги маҳкумлар орасида криминоген мотивациянинг шаклланишини олдини олишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва ўрганиш, шунингдек мазкур фаолиятнинг асосий йуналишларини аниқлашдан иборат. Жазони ўташ даврида маҳкумлар орасида криминоген мотивациянинг шаклланишини

1 Қаранг: Лекаръ А.Г. Профилактика преступлений. - М., 1972. -3-б.; Шляпочников А.С. Очерк развития советской теории предупреждения преступности и профилактика правонарушений // Профилактика правонарушений.

1978. №7. - 106-б.; Антоян Ю.М. О понятии профилактики правонарушений // Вопросы борьбы с преступностью. 1977. Вып. 26-256, ва бошқалар.

2 Масалан, қаранг: Сахаров А.Б. Социальная система предупреждения преступлений // Сов. гос-во и право. 1972. №11.-66-б.; Теоретические основы предупреждения преступности / Отв. ред. В.К.Звирбуль, В.В.Клочков, Г.М.Миньковский,-М.. 1977. -6-б.; Аванесов Г.А. Криминология.- М.,1984.-285-б.;Блувштейн Ю.Д.Зырин М.И.Романов В.В. Профилактика преступлений.- Минск, 1986.- 25-26-б.

3 Масалан, қаранг: Криминология: Учебник / Под общ. ред. Ю.Ф.Кваши.-Ростов-на-Дону, 2002. -126-б.;Кудрявцев В.Н.Лекции по криминологии. -М., 2005. - 99-100-б.; Старков О.В. Предупреждение преступлений: Учебное пособие. - М., 2005. - 10-б.

олдини олиш ҳам маҳкумларни ахлоқан тузатиш ишининг муҳим қисми сифатида қаралиши лозим.

Аввал таъкидлаб ўтилганидек, жиноят-ижроия тизими муассасаларида мазкур иш даражаси бир мунча паст бўлиб қолмоқда. Назаримизда, жиноятларнинг олдини олиш иши изчил хусусият касб этиши лозим. Бунинг учун қонун талабларидан четга чиқилишига олиб келувчи сабаблар тўла аниқланиши, ҳар бир муассасада ҳуқуқбузарларга профилактик таъсир кўрсатишни ташкил этишнинг изчил тизими яратилиши лозим⁴. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш иши - озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги маҳкумлар орасида криминоген мотивациянинг шаклланишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни бартараф этишга қаратилган тарбиявий, режимга оид ва жиноят-ҳуқуқий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат бўлиши лозим. Бундай тадбирлар ҳам умумий, ҳам махсус йўналишга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш криминологияда умумий на махсус қисмларга ажратилишидан⁵ келиб чиқиб, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар орасида криминоген мотивациянинг шаклланишини профилактика қилиш иши ҳам икки - умумий ва махсус йўналишларда амалга оширилиши ўринлидир. Негаки, бундай фаолият умумий огоҳлантириш тадбирларини ҳамда хусусий (индивидуал) тадбирларни ўз ичига олиши лозим. Умумий тадбирларга: тарбиявий иш, меҳнат, режим, умумий ва касб-хунар таълимлари, яъни ахлоқ тузатишнинг асосий воситалари доирасида қўлланиладиган ва жиноятчиликнинг олдини олишга бевосита қаратилмаган тадбирлар киради. Махсус тадбирлар эса аниқроқ мақсадга қаратилган бўлиб, улар муайян маҳкумда криминоген мотивациянинг шаклланиши учун «зарур» бўлган шароитларни яратилишига йўл қўймасликни назарда тутди. Бу тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- ✓ жиноят содир этганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги тегишли қонун ҳужжатларидаги қоидаларини тушунтириш (жазони ўташ даврида ҳам, ундан кейин ҳам);
- ✓ жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар устидан назоратни кучайтириш, -уларни пухта уйлаб жойлаштириш, иш билан таъминлаш;
- ✓ уларга жиноят содир этиш имкониятини чекловчи шароитларни яратиш.

Махсус чора-тадбирларга ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлашга қаратилган тезкор-режим хусусиятига эга бўлган тадбирларни, шунингдек ғайриқонуний фаолиятга оғдиришни кўзловчи маҳкумларни аниқлашни ҳам киритиш зарур⁶. Аксар ҳолларда зўрлик ишлатиб содир қилидигин жиноятларни «ҳаракатлантирувчи куч» ҳисобланадиган агрессивлик кўринишларининг олдини олишнинг зарурий омили саналган психологик йўсиндаги тадбирларни ҳам махсус чора- тадбирлар қаторига киритиш мумкин. Жазони ўташининг белгиланган тартибини бузиш ҳоллари учун интизомий жазо чораларини ҳам махсус огоҳлантириш тадбирлари деб номлаш ўринлидир. Шу боис, айрим муаллифлар жиноят қонунига махсус норма киритишни таклиф қиладилар⁷.

Профилактика чора-тадбирларини умумий ва махсусга ажратиш аслида шартли хусусият касб этиб, баъзан махсус тадбирлар умумий тадбирларга киради ва уларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Аммо бундай шартли ажратиш маҳкумлар билан профилактика ишини

4 Қаранг: Каретников И.В, Марков А.А. Некоторые вопросы предупреждения преступлений на местах лишения свободы // Проблемы профилактики в местах лишения свободы. - М.. 1985. - 5-б.

5 Қаранг: Кудрявцев В.Н. Причины правонарушений. – М. 1976. - 274-б.

6 Махсус адабиётларга илгари сурилган нуктаи назарга қўра , тезкор бўлимлар(уларнинг иш хусусиятини ҳисобга олганда) озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумлар жиноий хулқ-атворини махсус огоҳлантиришнинг бирдан-бир субъекти ҳисобланади. Масалан, қаранг: Артеьев Н.С. Профилактика рецидивной преступности: Автореф. дисс. д. ра. юрид. наук. - М. 1998. Волков В.Б. Предупреждение рецидивной преступности в исправительных учреждениях: Авторсф. дисс. кайд. юрид. наук. - Казань, 2004

7 Масалан, қаранг: Волкова А.Е. Криминологическая характеристика и профилактика преступлений, связанных с жестоким обращением с детьми: Авторсф. дисс. кайд. юрид. наук. – М. 1996. - 5-б.

аниқлаштириш ва шунга мувофиқ тарбиявий-профилактика ишининг янада таъсирчан шакллари топиш зарурияти билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда маъмурият фаолиятида асосан сақлаш режимини бир неча марта бузган шахслар билан тарбиявий иш олиб боришга бориб тақаладиган анча чекланган хусусият касб этувчи чора-тадбирлар қўлланилади (биз бу ҳақда тадқиқотимизнинг олдинги бобида батафсилроқ сўз юритганмиз). Шундан келиб чиқиб озодликдан маҳрум қилиш жойларида маҳкумлар орасида криминоген мотивациянинг шаклланишини олдини олиш борасидаги профилактика ишининг бугунги ҳолати талабга тўлиқ жавоб бермайди.

Огоҳлантириш ишини ташкил этиш учун таъсир объектини аниқлаш ва уни тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади, ушбу фаолиятга аниқ ва изчил тус беради. Бу борада шубҳасиз маҳкумларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Зеро, адабиётларда қайд этилганидек, «турли, шу жумладан иқтисодий йўсиндаги сабабларга кўра ахлоқ тузатиш муассасаларида маҳкумларнинг ўзига хос «сараланиши» юз берди ва озодликдан маҳрум қилиш жойларига ўта хавfli жиноятчилар туша бошладилар»⁸. Чунончи, 1999 йил статистика маълумотларига кўра, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларнинг ҳар ўн тўрттасидан биттаси (7%) ўта оғир жиноят, ҳар учтасидан биттаси (46%) - шахсга қарши оғир жиноят (қасддан одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш) содир этган. Бундан ташқари, маҳкумларнинг 11% босқинчилик ва талончилик учун, 42% - ўғрилиқ учун, 7% - безорилик учун, 8% - гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар учун ҳукм этилган. Бунда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахсларнинг умумий сонига ўта хавfli жиноятларни, шу жумладан жиноятни такроран содир этган шахсларнинг улуши пасаймаяпти⁹. Бошқаларга таъсир ўтказишга мойил бўлган маҳкумларнинг типларга ажратиб ўрганиш бундай шахслар билан уларнинг хулқ-атворида намоён бўлувчи хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тарбиявий-огоҳлантириш ишини олиб бориш учун имконият яратади. Боз устига, «ижтимоий ҳаёт салбий ҳодисаларининг криминоген таъсирлари хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларда шахснинг салбий ижтимоий ва ижтимоий-руҳий хусусиятлари (ғайриижтимоий қарашлари, одатлари, майллари, феъл-атвор хоссалари ва ш.к.)нинг шаклланиши ва руёбга чиқарилиши орқали амалга ошади. Огоҳлантириш шахсни тузатиш тадбирларини ҳам ўз ичига олади»¹⁰.

Шу билан бир вақтда, жиноятларга қарши курашни самарали олиб бориш учун маҳкумларда жазони ўташ даврида криминоген мотивация шаклланишига туртки берадиган омиллар мажмуини тўлиқ ва аниқ *билиш* талаб этилади. Шу маънода мазкур масала хусусида В.Н.Кудрявлев билдирган қуйидаги фикр ўринлидир: «Агар ҳуқуқбузарлик аниқ сабаблар мажмуига эга бўлмаса, профилактика иши тартибсиз тус олади, мазкур ғайриижтимоий ҳодисаларга ўзил-кесил барҳам бериш эса амалга ошириб бўлмайдиган ишга айланади»¹¹.

Кўрсатилган ҳолатлардан шуни қайд этиш мумкинки, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар орасида криминоген мотивациянинг шаклланишини олдини олиш муайян хусусиятларга эга ва улар қуйидаги омилларга билан белгиланади:

1. жазони ўтаётган шахсларда ҳам, жазони ўтаб қайтган шахсларда ҳам ўта хавfli мотивация мавжудлиги;
2. жамиятдан ажратиш шароитида шахсларда салбий ахлоқий-руҳий мақсадларга оид тенденция ва қонуниятларнинг шаклланиши;
3. жазони ижро этиш муассасаларида (жазони ўташ даврида ҳам, озодликка чиққандан кейин ҳам жиноят содир этишга имконият яратадиган) ўзига хос хусусиятга эга криминоген омилларнинг мавжудлиги;

8 Селиверстов В. Лишенных свободы станет больше? // Преступление и наказание. 1997. №9.-25-6

9 Қаранг; Главный информационный центр МВД РФ. Сводный отчет по России. Сведения о лицах, совершивших преступления. - М., 1999.

10 Теоретические основы предупреждения преступности /... коллектив. Учебник- 31-б.

11 Кудрявцев В.Н. Кўрсатилган асар. - 64-б. Яна Қаранг: Мурадов О.Б. После колонии / Цит.-2000. №1-2-18-б.

4. конкрет жиноятларнинг озодликдан маҳрум қилиш жойларида содир этилишининг ўзига хос сабаб ва хусусиятларга эгаллиги;
5. маҳкумларда улар жамиятдан ажратилгунга қадар мавжуд бўлган ва улар жазони ўташ вақтида ўзлаштирган шахсий мақсадлари;
6. озодликдан маҳрум қилиш жойларига хос бўлган, криминал тажрибага эга шахслар алоҳида сақланиши билан белгиланадиган қадриятлар тизимининг мавжудлиги.

Юқорила баён этилганлар жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар орасида криминоген мотивациянинг шаклланишини олдини олиш масаласини жиноят учун жазонинг умумий мақсадлари ҳамда жиноят-ижроия тизими фаолиятдан ажратишнинг имконсиз эканлигини тасдиқлайди.

Криминология, жиноят-ижроия ҳукуки ва бошқа фанларда маҳкумни ўрганиш жазонинг самарадорлигини оширишнинг зарурий шартли сифатида қаралади¹². Зотан, жиноят-ижроия тизими ходимларида маҳкумларнинг руҳий, аввало феъл-атвор¹³ хусусиятларини аниқлаш имконини берувчи махсус методикаларга эҳтиёж мавжуд. Маҳкумнинг феъл-атворини билиш-унга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг самарали чораларни аниқлаш ҳамда ҳаётнинг муайян шароитларида унинг хулқ-атворини прогноз қилиш имконини беради. Бироқ, бундай методикалар улардан фойдаланувчи ходимлардан махсус психологик тайёргарликни талаб қилмаслиги лозим.

Жазони ижро этиш муассасасида маҳкумнинг шахсини ўрганиш: 1) шахснинг криминоген қарашлари, одатларини, феъл-атворининг хоссалари, қадриятлари, мўлжаллари, ахлоқий-руҳий хусусиятларини, уларнинг содир этилган жиноятда намоён бўлган салбий хулқининг барқарор даражасини аниқлаш; 2) шахсдаги маънавий хулқни шакллантириш мақсадида уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарур бўлган ижобий индивидуал фазилатлар ва ахлоқий-руҳий хусусиятларни аниқлаш; 3) шахснинг ғайриижтимоий қарашлари ва одатларини бартараф этиш учун унинг қайси фазилатлари ва хоссалари ҳамда индивидуал хусусиятларидан биринчи навбатда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини, шунингдек қайси воситалар, усуллар ва ёндашувлар самара беришини ҳал қилиш имконини беради¹⁴.

Ҳозирги вақтда психологияда қўлланиладиган методикалар (шахсни кўп томонлама ўрганиш методикаси, Кетеллнинг 16 омилли сўровномаси ва шу кабилар) улардан озодликдан маҳрум қилиш жойларининг амалий ходимлари фойдаланишлари учун мўлжалланмаган, чунки уларнинг натижаларини самарали талқин қилиш психология соҳасида пухта тайёргарликка эга бўлишни талаб этади¹⁵. Маҳкумнинг феъл-атворини ўрганиш методикаларини ишлаб чиқиш зарурияти яна шу билан белгиланадики, жазони ижро этиш муассасалари ходимларининг аксарияти маҳкумнинг психологик-педагогик ҳарактеристикаларини тўзишга қуйиладиган талабларни малакали бажариш учун етарли тажриба ва билимларга эга эмас.

Илмий тадқиқотларнинг натижалари ва жиноят-ижроия тизими ходимлари томонидан тўпланган ижобий тажриба шундан далолат берадики, маҳкумларни ахлоқан тузатиш турли тоифадаги маҳкумларга дифференциацияланган таъсир кўрсатилган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин. Маҳкумларнинг айрим гуруҳларига хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олиб, улар билан индивидуал иш олиб бориш тарбия ишининг таъсирчанлигини анча кучайтиради.

12 Қаранг: Маҳарамов Р. А. Сравнительный криминологический анализ предупреждения преступности в России и в Республике Узбекистан: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. - М. 2003.-17-19-б.

13 Психологияда феъл-атвор ёки характер деганда шахсга хос бўлган хулқ-атвор усулларини белгиловчи унинг барқарор индивидуал хусусиятлари мажмуи тушунилади. Қаранг: Краткий психологический словарь. – М.1985. - 384-б.

14 Қаранг: Халилов Э. Х. Правосознание в структуре общественной жизни.Т.:Ўзбекистон.1997.-30-33-б. Абзалов Э. М. Проблемы формирования правовой культуры молодежи: Автореф. дисс.канд. юрид. наук.-Т. 2000. – 22б.

15 Қаранг: Алферов Ю. А. Черносвитов Е. В. Методика изучения особенностей характера осужденных в условиях ИТУ и вопросы воспитательной работы//Личность преступников и индивидуальное воздействие на них.-М.1989-65б.

Маҳкумлар шахсини ўрганиш чоғида уларнинг шахсига ва хулқ- атворига фаол таъсир кўрсатувчи омил - озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганликларини ҳам ҳисобга олиш жойиз. Шу туфайли уларнинг шахсий хусусиятлари ва хулқ-атворини ўрганишга бевосита

маҳкумлар ижтимоий муҳитида юзага келувчи муносабатлар асносида ёндашиш зарур¹⁶.

Шуни қайд этиш лозимки, жиноят-ижроия муассасаларида профилактика фаолияти ҳар бир муассасанинг хусусиятларини ва у ерда содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос жиҳатларини, шунингдек ҳуқуқбузар маҳкумларнинг шахсий хусусиятларини инобатга олиб амалга оширилиши лозим¹⁷. Махсус профилактика механизми, усуллари ва методлари самарали бўлиши учун муҳитнинг худудий хусусиятларини, шунингдек ўзига хос криминоген омилларнинг таъсирини ҳисобга олиши керак. Бошқача қилиб айтганда, «огохлантириш чора-тадбирлар тизими турли минтақаларда ва ижтимоий гуруҳларда ўз хусусиятига ва эгасига эга»¹⁸.

Таъкидлаш жойизки, инсоннинг индивидуал ривожланиши ва унинг фаолияти муайян ижтимоий муҳитда турли муносабатларнинг ўрнатилиши ва уларнинг амал қилиши жараёнида юз беради. Бу ижтимоий муҳит пировард натижада унинг шахс сифатида камол топишини, инсон фаолиятининг хусусиятини, унинг аниқ ҳаётий шаклларини белгилайди¹⁹. Инсонга унинг бутун умри мобайнида ижтимоий омилларнинг кенг мажмуи таъсир кўрсатади, шу туфайли ҳам шахснинг ғайриижтимоий мақсадлари шаклланишига муҳитнинг таъсири тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

16 Қаранг: Жаббарбергенов Р. Жазонинг профилактик функцияси ва уни амалга ошириш механизми: Юрид. фан. номз. дис..афтореф.-Т.2004.- 6-17-б.; Кудряков Ю. Н. Голубев В.П.Психологические особенности осужденных, нарушающих режим, и проблемы индивидуального воздействия // Личность преступников и индивидуальное воздействия на них.- М.,1989.-56-б.

17 Етказилган эмпирик тадқиқот жараёнида аниқлаганимиздек, жазони ижро этиш муассасаларининг ходимлари ҳам “беғуноҳ” эмас. Айни шу сабабли биз криминоген мотивация фақат маҳкумларда шаклланиши мумкин деган фикрдан йироқмиз.

18 Дубинин Н.П. Карпен И.И. Кудрявцев В.Н. Генетика. Поведение.Ответственность: о природе антиобщественных поступков и путях их предупреждения.- М..1989.-265-б.Жаббарбергенов Р. Профилактическая работа в местах исполнения наказания // Ҳуқуқ.Право.Law.2002.№2.-26-28-б.

19 Қаранг: Антонян Ю. М. Социальная среда и формирование личности преступника: неблагоприятные влияния на личность в микросреде. - М., 1975. - 84-б.